

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни

## ЎЗБЕКИСТОН – ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАРНИНГ ТўЛА ҲУҚУҚЛИ СУБЪЕКТИ

Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъектидир. Унинг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидаларига ва халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган бошқа қоидалари ва нормаларига асосланади. (Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 17-моддасидан)

Дунёда халқлар кўп, лекин уларнинг ҳаммаси ҳам ўз давлатига эга эмас. Ўз давлатига эга халқлар ҳам бор, лекин уларнинг ҳаммаси ҳам халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъекти эмас. Шу боис Ўзбекистон деганда ҳар бир юрдошимиз хаёлидан "жаҳонда ўз ўрнига эга, халқаро муносабатларнинг комил ҳу-

қуқли аъзоси бўлган Ватаним бор", деган ўй ўтади ва қалби гурур-ифтихорга тўлади. Давлат мустақиллигининг асосий белгиларидан бири унинг кенг миқёсдаги халқаро эътирофидир. Йигирма бир йилдирки, БМТ бош қароргоҳида Ўзбекистон Республикасининг давлат байроғи ҳил-пираб турибди. Ўзбекистон

хамкорликдан манфаатдор бўлган барча мамлакатлар билан дипломатия муносабатларини йўлга қўйган. Хусусан, қатор йирик давлатлар билан Ўзро муносабатларимиз стратегик шериклик даражасига кўтарилган. АҚШ, Хитой, Япония, Жанубий Корея, Россия шулар жумласидан. (Давоми 2-бетда).

## Касбим – фахрим

Мамлакатимиз раҳбарининг "2007-2011 йиллардаги даврда қурилиш материаллари sanoat қорхоналарини модернизация қилиш, техникавий ва технология қайта жиҳозлаш дастури тўғрисида"ги қарорига асосан "Бекобод-цемент" қорхонаси Хитой халқ республикасининг "China samp" компанияси билан ҳамкорлик қилиб келмоқда.

## ТАКЛИФ ЎЗИНИ ОҚЛАДИ

Яқинда хорижий компаниядан қиймати 62 миллион АҚШ долларига тенг цемент (клинкер) ишлаб чиқариш линияси олиб келиб ўрнатилди. Натижда 159 та янги иш ўрни яратилди.

Корхона бундай ютуққа эришишида хом ашё цехи смена устаси Икром Давроновнинг ҳам ҳиссаси бор. У 2010 йилда "Меҳнат шухрати" ордени билан мукофотланган. Меҳнат стаж 35 йил бўлган И. Давронов қорхонанинг тажрибали ва малакали мутахассисларидан бири сифатида ишлаб чиқариш ҳажми ва сифатини ошириш, технологик ускуналар тизimini такомиллаштириш, ҳисоб ва ўлчов воситаларини замонавийларига алмаштириш, уларни ишлаб чиқаришга татбиқ этиш ҳамда энергия ресурсларининг тежамкорлигини таъминлашга катта ҳисса қўшмоқда. (Давоми 2-бетда).

## Яна тўловлар ҳақида

## ҚАРЗДОРЛАР РЎЙХАТИДА БЎЛМАЙ ДЕСАНГИЗ...

Қўшнинг айтишича, таниши тадбиркор бўлиб, мўъай даромад топар экан. Шунга қарамай, коммунал хизматлар ҳақини тўлашга оғинармиш. Эмишки, маблағини коммунал тўловлар учун тўлагандан кура, бизнесига ишлатса, кўпроқ фойда кўрармиш.

Назоратчилар кўзини шамғалат қилишнинг ажобовур йўлларини ўйлаб топган экан. Бир гал пулим йўқ деб баҳона қилса, келгуси сафар у ер-бу ерини бинт билан боғлаб, ўзини касалга солармиш. Айрим пайт уйда бўла туриб, эшикни очмасмиш.

хўжалиги раҳбари Шоқир Рустамов қарздорлар рўйхатида "етақчилик" қилганди. Унинг қарзи оз эмас, кўп эмас, 4 миллион 374 минг сўмга етган. "Алишер" фермер хўжалиги раҳбари Абдулла Шапатов 1 миллион 290 минг сўм, "Келовуз" фермер хўжалиги раҳбари И. Асқолов 1 миллион 596 минг сўм қарзи билан ундан қолшмасликка ҳаракат қилганди.

Фуқароларимиз тўловларини онгли равишда вақтида тўлашса, муаммолар ҳам бўлмасди, – дейди "Тошкентгазтаъминот" унитар қорхонаси газ сотиш ва ҳисобга олиш бўлими му-

## Эртага – Тиббиёт ходимлари куни

## СОҒЛИҚНИ БОРИДА АСРАГАН МАЪҚУЛ

Пискентлик Маҳкам Маматқулов қаттиқ бетоб бўлиб қолди. Оғриқ қучайгани сари дунё кўзига торайиб борди. Ҳеч бир дори қўймай қўйди. Оиласидагилар оёққа туришди. Тезда вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказига олиб келишди. Шифохонага етиб келишганда, бемор бутунлай ҳушсиз ҳолатга тушиб қолди.

– Анча кунгача ўзимни билмай ётганимни кўрган яқинларим соғайиб кетишимдан умидларини узишган экан, – дейди Маҳкам Маматқулов. – Мана, тез орада соғайиб, дарди кўрмагандек бўлиб кетдим. Марказнинг қабул бўлимидагилардан тортиб, шифокорларга-ча беморлардан ширин сўзла-

рини ашмайди. Устидаги халати каби кўнгли ҳам оқ бўлган шифокорларнинг борига шукр! Тиббиёт маркази 2008 йилда ташкил этилган бўлиб, бир вақтнинг ўзига 200 беморни даволаш имкониятига эга. Ҳозир бу ерда 84 шифокор, 200 ҳамшира ишлаяпти. (Давоми 2-бетда).

## Фуқаролик жамияти сари

## УЧ НОМЗОДДАН БИРИНИ САЙЛАШАДИ

Оҳангарон туман сайловга кўмаклашувчи комиссияси тайёрларик жароғларида аниқ режа асосида ўқув-семинарлар ташкил этиб, қишлоқ маҳаллалари ишчи гуруҳи аъзоларига сайловларни Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талаб-қоидалари асосида ўтказиш тартибларини атрафлича тушунтирди.

Комиссия аъзолари қишлоқ ва маҳаллаларга чиқиб, ишчи гуруҳлари фаолиятини кузатиб бордилар. Кўзга ташланган камчилик ва нуқсонлар вақтида бартараф этилди. Аҳоли сони ҳисобга олиниб, қишлоқ фуқаролар йиғинларида ҳар 100 с айло в чида н, қишлоқ маҳаллаларида ҳар 50 сайловчидан, шаҳар маҳаллаларида ҳар 30 сайловчидан бир вакил сайлаш тавсия этилди.

Кўмаклашувчи комиссия Қонунда белгиланган тартибда фаолият юритгани боис тумандаги 8 та қишлоқ ва 49 та маҳалла фуқаролар йиғинларида барча тайёрларик ишлари муваффақиятли раюнланмоқда. Эрта-индин дастлабки сайловлар бошланади.



СУРАТДА: Қорахитой қишлоқ фуқаролар йиғини ишчи гуруҳи раҳбари Аҳад Давронов (ўртада) мавжуд бешта маҳалла ишчи гуруҳлари раҳбарлари билан бошланаётган сайловларни тартибли, юксак савияда ва, албатта, очиқ-ошкораник руҳида ўтказиш хусусида суҳбатлашмоқда. Азамат АҲМЕДОВ билган сураат.

## АҲОЛИГА ҚУЛАЙЛИК ЯРАТИШ ЙЎЛИДА

Тадбиркор Шухрат Ўтаров Чирчиқдаги "Ишонч" маҳалласида замон талабларига мос "SHUXRAT" савдо мажмуасини барпо этиб, шаҳар кўрқига кўрк қўшди.

– Илгари бу ер эътибордан қолиб, ташландиқ ҳолга келганди – дейди, "Ишонч" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Абдусодиқ Шаметов. – Юртимиз бўйлаб давом этаётган ободонлаштириш ишлари маҳалламизни ҳам четлаб ўтмади. Ташландиқ ер обод, маҳалла аҳлининг эса узоғи яқин бўлди...

атрофини ободлаштириш ва кўкаламзорлаштириш 3 ойда битиб, 20 дан зиёд маҳаллий аҳоли ишли бўлди. Шаҳарликлар мажмуада маданий ҳордиқ чиқариш, озик-овқат, кийим-кечак, саноят ва курилиш ашёларига бўлган эҳтиёжларини қондириш имкониятига эга бўлишди.

Дарҳақиқат, 9 та шаҳобчадан иборат мажмуани куриш, пардозлаш,

Бахтиёр ШАВКАТОВ, Азамат АҲМЕДОВ олган сураат.



## Обод турмуш йили

## ОИЛА СОҒЛОМ – ЖАМИЯТ МУСТАҲҚАМ

Тошкент Давлат иқтисодий университетиди "Обод турмуш йили" Давлат дастури ҳамда "Оила – маҳалла – таълим муассасаси" ҳамкорлигини мустаҳкамлаш тадбирлари доирасида "Оила тушунчаси – талаба-ёшлар нигоҳида" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Бугунги кунда республикада таълим муассасаларида ўқувчи ва талабаларга оиланинг муқаддаслиги, жамият равнақи оила тўқислиги ва фаровонлиги билан боғлиқ эканлигини, шу билан бирга энг қимматли анъаналар ва барча инсоний фазилатлар энг аввало оилада шаклланишини ёш авлод қалби ва онгига чуқур сингдириш борасида қатор тадбирлар ташкил этиб келинмоқда.

Республика Маънавият тарғибот марказининг Чилонзор туман бўлими, Адлия вазири тарғибот гуруҳи, Республика "Маҳалла" хайрия жамоат фонди Чилонзор туман бўлими, Тошкент шаҳар Адлия бошқармасига қарашли 3-сонли "Никоҳ уйи", Шайхонтоҳур туман Марказий поликлиникаси билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда 580 дан ортиқ киши иштирок этди.

(Давоми 2-бетда).

## Давра суҳбати



## ҚИЗЛАР ТАРБИЯСИГА БАҒИШЛАНДИ

Ўрта Чирчиқ туманида вилоят, туман хотин-қизлар кўмитаси ва бошқа жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида "Эрта туғуруқнинг салбий оқибатлари" мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Қизлар тарбиясига доир бу мавзу шу куннинг долзарб масалаларидан бирига айланганлиги, албатта ачинарли ҳол.



Бунинг ўзига хос объектив, субъектив сабаблари бор. Глобаллашув даврини ижобий кўринишлари билан бир қаторда оммавий маданият ниқоби остидаги бузғунчилик гоёлари ёшлар тарбиясига салбий таъсир қилаётгани, уларнинг юриш-туриши, кийинишидаги ўзгаришлар, ҳатто ота-она кўлидаги тизгининг заифлашиши бора-борга кўпроқ кўриб кўришди.

Туманимиз 179 минг 189 аҳолисининг 88 минг 98 нафари аёллар, – дейди хотин-қизлар кўмитаси раиси Феруза Олимова. – Шундан 43583 нафар туғиш ёшидаги аёллар бўлса, ўсмир қизларимиз 5220 нафар. Қизлар тарбияси аввало оиладан бошланади, қолаверса мактаб, маҳалла, коллеж ва бошқа жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида "Оила – муқаддас даргоҳ", "Оила – маънавият кўрғони", "Ота-она бўлиш масъулияти" мавзуларида маънавий-маърифий тадбирлар, семинар-тренинглар ўтказаямиз. Қизларни тиббий кўриқдан ўтказиш, юриштиришини назорат қилиб боришда прокуратура, тиббиёт, ички ишлар бўлими билан ҳамкорликда иш олиб борамиз. Лекин, шунга қарамай, бу борада камчилиқларимиз ҳам йўқ

эмас. Эрта никоҳ, ёш оилалар ўртасидаги ахирларга қарши курашишдаги саъй-ҳаракатларимизни қучайтириш зарурлиги 16-17 ёшли қизлар ўртасида туғуруқ ҳолатлари ортанидан кўриниб турибди. Тадбирда, шунингдек тиббиёт бirlашмаси шифокорлари, маслаҳатчиси, отин-қизлар фикр-мулоҳазалари, касб-хунар коллежи ўқувчилари мавзуга доир таълиқлар билан ҳамкорликда бошқа шаҳар, туманларида ўтказилаётган шундай мавзудаги тадбирлар оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш, эрта никоҳлар, эрта туғуруқларнинг олдини олишда муҳим омил бўлиши суҳбаси. Давра суҳбатига Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Элмира Боситхонова иштирок этди. Сайёра РИХСИЕВА, Азамат АҲМЕДОВ (сураатлар), "Тошкент ҳақиқати" муҳбирлари.



ТАБРИК ВА ЭЪЛОНЛАР

# ВИЛОЯТ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ

## барча тиббиёт ходимларини касб байрамлари билан муборакбод этади!



**Беморлар дардига малҳам бўлишдек  
энг шарафли ва шу билан бирга  
масъулиятли меҳнат фаолиятингизда  
фидойилик, бағрикенглик, меҳрибонлик  
доимий ҳамроҳингиз бўлиб қолаверсин!  
Хасталарни юксак малака ва ширин сўз  
билан даволашдан ҳеч қачон толманг,  
қўлингиз ҳамisha энгил бўлсин!**

**МАТБУОТ тарқатувчиси**  
ОСНОВ АКСИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

Тошкент вилояти «Матбуот тарқатувчиси» шўъба корхонасида  
Республика ҳамда Маҳаллий нашрларга 2014 йил  
обуна мавсуми давом этмоқда.

Вилоятнинг барча туманларида филиаллар мавжуд.	
Вилоят обуна бўлими:	8-370 233-13-04
Ангрен шаҳар филиали:	+99890 123-69-71
Бекобод шаҳар филиали:	+99890 9592863
Бекобод туман филиали:	+99890 167-43-27
Бўстонлик туман филиали:	+99893 527-74-53
Зангиота туман филиали:	+99890 976-47-93
Олмалик шаҳар филиали:	+99891 787-23-53
Оҳангарон туман филиали:	+99893 508-22-99
Ўртачирчиқ туман филиали:	8-370-76-21-476
Чиноз тумани филиали:	8-370-59-31-331
Чирчиқ туман филиали:	8-370-71-64-617
Юқори Чирчиқ туман филиали:	+99890 125-99-07
Пискент туман филиали:	+99893 619-77-33
Қўрай туман филиали:	+99893 613-83-16
Янгийўл туман филиали:	8-370-60-22-034
Паркент туман филиали:	+99890 125-99-07

ОБУНАГА ҚўМАКЧИ – МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ  
Телефон: 000690

Тошкент вилояти ҳокимлигининг  
Йўловчи транспортнинг барча турлари  
ҳаракатини лицензиялаш ва муво-  
фиқлаштириш Департаментининг  
"Тошкент вилояти ҳудудида шаҳар ва  
шаҳар атрофида йўловчиларни ташиш  
фаолиятини лицензиялаш бўйича ко-  
миссияси"нинг 2013 йил 2 ноябрдаги  
64-сонли Баённомасининг қарори би-  
лан куйидаги:

### Тошкент вилоятидаги «ZANGIOTA TRANS» МЧЖга тегишли:

– "Тошкент вилояти ҳудудида йўлов-  
чиларни шаҳар атрофида микроавто-  
бусларда ташиш" фаолиятини амалга  
ошириш учун 2013 йил 16 январь куни  
берилган "АТ" серияли 000617 рақам-  
ли лицензиянинг амал қилиши 2013  
йил 3 ноябрдан бошлаб тикланганли-  
ги тўғрисида маълумот беради.

### "КО'Р ТАРМОҚЛИ КО'СНМАС МУЛК САВДО" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Шайхонтоҳур тумани СИБ то-  
монидан тақдим қилинган куйидаги кучмас мулк  
кўйилмоқда: 18.07.2013 й.даги 10138-43/11-сонли  
ижро ҳужжатига асосан, бошланғич нархи – 64 000  
000 сўм бўлган Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани,  
Белтепа мавзеси, 28-уйда жойлашган, умумий  
фой. майдони 58,97 кв.м., яшаш майдони 37,04 кв.м  
бўлган 3 хонали 61-хонадон.

Аукцион савдолари 2013 йилнинг 13 декабрь куни  
соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Бе-  
руний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада бўлиб  
ўтади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк  
бошланғич баҳосининг 10 %дан кам бўлмаган миқ-  
дорда закат пулини "КО'Р ТАРМОҚЛИ КО'СНМАС  
МУЛК САВДО" МЧЖнинг АТИБ "Ипотека банк" Шай-  
хонтоҳур филиалидаги ҳисоб рақамига  
20208000104931635001 тўлашлари шарт. МФО  
00425, СТИР 207128747, ОКОНХ 83400.

Савдога кўйилган мол-мулклар билан тегишли суд  
ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита  
жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдола-  
рида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва  
бошқа тегишли ҳужжатлар расмий иш кунлари соат  
9.30 дан 17.00 гача қабул қилинади. Аукцион савдо-  
ларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва  
бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш қимосида  
савдоси ўтказилишига бир иш куни қолганда соат  
17.00 да тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор  
тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефо-  
лар: 249-54-59, 249-53-61. Лицензия: № 0039.

Утерьянные лицензионные карточки 0033017/10 R  
177 AA; 0033018/10 C 914 FA; 0033019/10 C 624 BA;  
0033020/10 O 616 CA; 0033021/10 P 269 BA,  
0035224/01 130 WBA; 0038156/01 179 UBA; 0039375/  
01 187 UBA; 0039587/10 F 195 JA; 0041893/10 V 586  
JA; 0022248/01 172 UBA; 0029638/01 B 897 EA;  
0014658/10 F 093 BA; 0039578/10 F 195 JA; 0015757/  
10 F 547 CA; 0017123/10 H 099 AA; 0024135/10 N  
331 FA; 0014659/10 U 120 DA; 0015759/10 W 488  
DA; 0015758/10 X 156 DA; 0014660/11 T 1852,  
0014657/11 X 3518; 0041893/10 V 568 JA принадле-  
жащие на ООО "BERUNIY TRANS SERVIS", распо-  
ложенное по адресу: Урта Чирчикский район, Автошох-  
бекат, **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМИ.**

Яккасарой тумани ТСРЎИ томонидан 2012 йил 29 ноябрда 006947-  
11 реестр рақами билан рўйхатга олинган "KRAN MONTAJ SERVIS"  
МЧЖнинг устав жамгарамси 300 000 000 сўмдан 216 500 000 сўмга  
камайишини маълум қилади.  
Давволар (+99890) 371-05-00 телефон рақами орқали қабул қили-  
нади.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза  
қилиш вазирлиги томонидан "ASIA-STOLETIE" МЧЖга берилган № 5048  
рақамли "хорижий ишчи кучини жалб қилиш" тўғрисидаги рухсатнома  
йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**  
Давволар Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Толариқ кўчаси, 24-уйда  
қабул қилинади.

### "AGRO SANOAT MULK MARKAZI" МЧЖ очик аукцион савдоларига таклиф этади!

2013 йил 10 декабрь куни соат 11:00  
да, Тошкент шаҳри, Қўшбеги кўчаси, 18-  
уйда, бошланғич нархи босқичма-босқич  
ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик  
аукцион савдоларига куйидаги мол-мулк-  
лар кўйилмоқда:

1. Ҳамза туман СИБ томонидан 2013  
йил 18 октябрь кунги 10-1304/15521-сонли  
ижро варақасига асосан хатланган, "Space  
Arsenal Service" МЧЖ жарима майдончасида  
сақланган, 2009 йилда и/ч., дав. бел. 01 315  
САА бўлган "Дамас" русумли автотранспорт  
воситаси. Бошланғич нархи – 13 008 813,80 сўм.  
2013 йил 23 ноябрь куни соат 11:00 да  
бўлиб ўтадиган очик аукцион савдоларига  
куйидаги мол-мулклар тақдоран кўйилмоқ-  
да:

1. Олмазор туман СИБ томонидан 2013  
йил 13 майдаги 15356-82 ижро варақасига  
асосан хатланган, "Space Arsenal Service"  
МЧЖ жарима майдончасида сақланган: 1.  
2008 йилда и/ч., дав. бел. 01 668 СВА  
бўлган "ISUZU SAZ NQR71PL" русумли ав-  
тотранспорт воситаси. Бошланғич нархи  
– 54 707 000 сўм. 2. 2007 йилда и/ч., дав.  
бел. 01 936 СВА бўлган "ISUZU SAZ  
NQR71PL" русумли автотранспорт восита-  
си. Бошланғич нархи – 48 482 000 сўм. 3.  
2011 йилда и/ч., дав. бел. 01 080 WBA  
бўлган "ISUZU SAZ NQR71PL" русумли ав-  
тотранспорт воситаси. Бошланғич нархи –  
63 735 000 сўм. 4. 2011 йилда и/ч., дав.  
бел. 01 965 QBA бўлган "Газ-172412" ру-  
сумли автотранспорт воситаси. Бошланғич  
нархи – 38 239 000 сўм. 5. 2007 йилда и/  
ч., дав. бел. 10 BC 983 бўлган "Газ-2705-  
14" русумли автотранспорт воситаси. Бош-  
ланғич нархи – 29 431 000 сўм. II. Ҳамза  
туман СИБ томонидан 2010 йил 21 июндаги  
1-33/2010-сонли ижро варақасига асосан  
хатланган, "Space Arsenal Service" МЧЖ  
жарима майдончасида сақланган, 2002  
йилда и/ч., дав. бел. 14 M 5590 бўлган  
"Нексиа" русумли автотранспорт восита-

си. Бошланғич нархи – 19 494 000 сўм. III.  
Миробод туман СИБ томонидан 2013 йил  
17 апрелдаги 10561/10-сонли ижро варақа-  
сига асосан хатланган, "Space Arsenal  
Service" МЧЖда сақланган, 1997 йилда  
и/ч., дав. бел. 10 F 2849 бўлган "Тико"  
русумли автотранспорт воситаси. Бошлан-  
ғич нархи – 8 064 740 сўм. IV. Суд депар-  
таментининг Тошкент шаҳар ҳудудида бош-  
қармаси томонидан: 1. 2010 йил 18 январь  
даги 447/09-сонли ижро варақасига асо-  
сан хатланган, Яккасарой тумани, Қўшбе-  
ги, 30-Б уйда сақланган, 2009 йилда и/ч.,  
дав. бел. 01 393 FAA бўлган "Матиз"  
русумли автотранспорт воситаси. Бошлан-  
ғич нархи – 9 030 000 сўм. 2. 2012 йил 6  
мартдаги 279/3-сонли ва 2012 йил 11 ян-  
вардаги 587/11-сонли ижро варақаларига  
асосан хатланган, "Инвест" жарима майдон-  
часида сақланган, 2009 йилда и/ч., дав.  
бел. 01 915 HAA бўлган "Капитива"  
русумли автотранспорт воситаси. Бошлан-  
ғич нархи – 50 000 000 сўм.

### "SPARETRA" МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ бошланғич баҳоси босқичма- босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога куйидаги автотранспорт воситалари кўйилмоқда: 1. Юну-  
собоуд тумани СИБ томонидан 04.12.2012 й. № 23696/10-сонли ижро  
ҳужжатига асосан 2006 й. и.ч. "Газ 2752-314" д.р. 01 148 PBA.  
Бошланғич баҳоси – 27 790 000 сўм. Аукцион савдоси 2013 йил 25  
ноябрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Чилонзор тумани СИБ  
томонидан 10.06.2013 й. № 23942/18-сонли ижро ҳужжатига асо-  
сан: 2. 2005 й. и.ч. "Камаз" д.р. 01 382 GCA. Бошланғич баҳоси –  
102 840 160,80 сўм. 3. 2005 й. и.ч. "Камаз" д.р. 01 385 GCA. Бош-  
ланғич баҳоси – 113 790 160,80 сўм. Аукцион савдоси 2013 йил 9  
декабрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги автотранс-  
порт воситалари билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакилла-  
ри иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион  
савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар ҳар  
кунни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан  
16:00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш куни  
қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш  
истагида бўлган талабгорлар автотранспорт воситаси бошланғич  
баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закат пулини  
тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда  
ҳар бир автотранспорт воситаси учун алоҳида тартибда савдо  
ташкилотчиси – "SPARETRA" МЧЖнинг "ASIA ALLIANCE BANK" ОАТБ  
Мирзо Улугбек филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари  
шарт: 20208000904887305001, МФО 01103, СТИР 301829604. Аук-  
цион голиби сотиб олган автотранспорт воситаси қийматини 5 банк  
кунни мобайнида тўлалигича тўлаши шарт. Манзил: Тошкент ша-  
ри, Юнусобоуд тумани, 17-даха, 3-уй, 1-хонадон. Телефон: (8371)  
212-89-55.

Тузатиш киритилди: 1. 26.11.2013 й. аукцион кундаги Бекобод  
тумани СИБ томонидан 02.10.2013 й. № 216625-сонли ижро ҳуж-  
жатига асосан 2012 й. и.ч. "Капитива" д.р. 10 N 055 FA. Бошланғич  
баҳоси – 77 108 000 сўм деб ўқилсин. 2. 02.12.2013 й. Аукцион  
кундаги Миробод тумани СИБ томонидан 13.05.2013 й. № 13966/  
6-сонли ижро ҳужжатида асосан 2012 й. и.ч. "Спарк 1" д.р.сиз.  
Бошланғич баҳоси – 29 159 190 сўм бўлган автотранспорт восита-  
си аукцион савдоси такрорий бўлганини учун 18.11.2013 йилга  
кўчирилди.

Олмазор тумани ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган яқка тартибдаги тадбиркор  
Одинаев Мейликул Ражабовичга тегишли бўлган бир дона думалоқ муҳр йўқолган-  
лиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ООО "CONTEMP BUILDINGS" (ИНН 302030602), зарегистрированное в Хамзин-  
ском районе, по протоколу № 003410-07 от 17.06.2011г., сообщает о присоедине-  
нии к ООО "IBIS CONSTRUCTION GROUP" (ИНН 206770458), зарегистрированное  
в Урта Чирчикском районе, по протоколу № 0000765 от 25.08.2006г., право преем-  
ником всех прав и обязательств является ООО "IBIS CONSTRUCTION GROUP".  
Претензии принимаются в течение одного месяца по тел.: 269-59-96, 269-76-59.

Тошкент шаҳри, Миробод тумани ТСРЎИ томонидан 2010 йил 28 июлда 003177-  
03 реестр рақами билан рўйхатга олинган "ADVANCED-PHARMASEVTIKALS" (ИНН  
206924984, ОКПО 22094510) МЧЖ **ТУГАТИЛАДИ** (асос: 2013 йил 8 ноябрдаги 1/  
11-сонли қарор).  
Давволар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой даввомида қабул қилинади.

Утерьянную гувонную № 1353, выданную в Министерстве Юстиции Республики  
Ўзбекистан от 09.01.2013г. на ИП ООО "GRAND DREAM DEVELOPMENT", **СЧИТАТЬ  
НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНОЙ.**

Бектемир тумани ТСРЎИ томонидан 2013 йил 11 февралда № 001278-02 реестр  
рақами билан рўйхатга олинган "REZIDA ANORA BIZNES" (ИНН 302493937, ОКПО  
24055201) оилавий корхонаси **ТУГАТИЛАДИ.**  
Давволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой даввомида (+99890) 942-32-13 те-  
лефон рақами орқали қабул қилинади.

Тошкент вилояти, Зангиота тумани ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган "ITTIPOQ  
MEVA-SABZAVOTLARI" агросаноат фирмасига тегишли бўлган думалоқ муҳр йўқол-  
ганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

"XUMUYUN MIRZO TRANS" МЧЖга тегишли бўлган 0036177/ISUZU SAZ NP  
37/ 01 M 132 PA рақамли лицензия варақалари йўқолганлиги сабабли **БЕКОР  
ҚИЛИНАДИ.**

"ELBEK AZIYA TRANS" МЧЖга тегишли бўлган  
0036823/ГБА СПГ ДАМАС/10 Т 092 EA; 0038936/  
ГБА СПГ ДАМАС/01 Р 184 EA; 0038032/ГБА СПГ  
ДАМАС/10 Н 816 BA; 0035233/ АГБ СПГ ПАЗ-  
320510/10 V 789 HA; 0038280/ISUZU SAZ NP 21/  
10/159 QAA; 0038281/ МИДИБУС SAZ NP 21/01  
L 543 FA; 0038282/ISUZU/01 C 031 OA; 0038283/  
SAZ NP 21/01 C 032 OA рақамли лицензия вара-  
қалари йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНА-  
ДИ.**

Ўзбекистон Республикаси  
Фанлар академияси Та-  
рих институти жамоаси етак-  
чи илмий ходим, тарих  
фанлари номзоди Алишер  
Собировга укаси  
**Улугбек СОБИРОВ**нинг  
вафоти муносабати билан  
чуқур таъзия изҳор этади.

